



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG‘I

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари кафедралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 20 январдаги ПҚ–10-сон қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирлиги академик лицейларида кафедралар фаолиятини такомиллаштириш, ўқув-тарбия жараёни ва таълим сифатини янада ошириш мақсадида буюраман:

1. Қуйидагилар:

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари кафедралари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида ўқув машғулотларини педагогик назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти (У.К. Нуруллаев):

ушбу буйруқ билан белгиланган тартиб ва қоидалар ижросини таъминлаш мақсадида ўн кун муддатда Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи профессор-ўқитувчилари билан ўқув-семинар машғулотларини ўтказсин;

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи профессор-ўқитувчиларининг лавозим мажбуриятларини қайта ишлаб чиқиб, тасдиқлаш чораларини кўрсин.

3. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари, полковник У.К. Нуруллаевга, умумий назорат вазир ўринбосари, генерал-майор Д.А. Назармухамедов зиммасига юклансин.

**Вазир
генерал-лейтенант**

П.Р. Бобожонов

Тошкент шаҳри,
2024 йил “30” август,
477-сон

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари кафедралари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низоми Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) академик лицейлари кафедралари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Кафедралар Вазирлик академик лицейлари (кейинги ўринларда – лицейлар)нинг таркибий бўлиниши ҳисобланади.

3. Кафедрада бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олиб борилади.

4. Кафедрада педагог ходимлар тоифасига кирувчилар – кафедра бошлиғи, бош ўқитувчи, етакчи ўқитувчи, катта ўқитувчи ва мутахассис ўқитувчилар фаолият олиб боради.

5. Кафедрага илмий-педагогик қобилиятга эга бўлган ўқитувчилар Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 466-сон қарорига мувофиқ ишга қабул қилинади ҳамда уларнинг мақоми “Педагогнинг мақоми тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 1 февралдаги ЎРҚ–901-сон Қонунига асосан амалга оширилади.

6. Кафедра ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ташкилий-методик ишларни таъминловчи ўқув ва илмий лаборатория, методик кабинет каби бошқа ёрдамчи услубий-ўқув хоналарига эга бўлиши мумкин.

7. Кафедранинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг ички идоравий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ўқув режа ва дастурларига мувофиқ тартибга солинади.

8. Ҳуқуқий ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси кадрлар буюртмачилари бўлган ҳудудий ички ишлар органлари ҳудудида филиаллар ташкил этиши ва уларнинг моддий-техника базасидан фойдаланиши мумкин.

2-боб. Кафедрани ташкил этиш ва бошқариш

9. Кафедралар Вазирликнинг асосланган тақлифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси розилиги билан ташкил этилади, бирлаштирилади ёки тугатилади.

10. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг сони ўқув юкларининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

11. Кафедрани фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), шунингдек, фан доктори ёхуд фан доктори (DSc) илмий даражаларига, профессор ёки доцент илмий унвонларига эга бўлган бошлиқ бошқаради.

Истисно тариқасида педагогик фаолиятда ҳамда фан олимпиадаларига ўқувчиларни тайёрлашда юқори натижаларга эришган илмий даражага эга бўлмаган камида беш йиллик педагогик иш стажига эга педагоглар кафедра бошлиғи лавозимига тайинланиши мумкин.

Кафедра бошлиғи лицей директори томонидан Вазирликнинг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Кафедра бошлиғи тўғридан-тўғри лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарига бўйсунди ҳамда кафедра педагогларига бевосита раҳбарлик қилади.

3-боб. Кафедранинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Кафедранинг асосий вазифалари:

ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқ тузилган ўқув режалари ва ўқув дастурларида белгиланган маърузалар (назарий), амалий машғулотлар, лаборатория ва бошқа турдаги машғулотларни замонавий педагогик технологиялар асосида узлуксиз ўтказилишини таъминлаш;

фанлар бўйича ўқувчиларда зарур касбий билим, малака ва кўникмаларни оширишга қаратилган дарслик, ўқув қўлланма, услубий-методик адабиёт ва дидактик материалларни тайёрлаш ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этиш;

ўқувчиларни Вазирлик Академиясига ҳамда бошқа олий таълим муассасаларига ўқишга мақсадли тайёрлаш, иқтидорли ўқувчиларни фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда муносиб иштирокини таъминлаш;

ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш, кафедра фаолиятига доир масалаларни муҳокама қилиш, методик ҳужжатлар ва журналлар юритилишини таъминлаш;

фанлар бўйича ўқувчиларнинг билимини жорий, оралиқ ва якуний назорат рейтинг натижаларидан келиб чиқиб мониторингини амалга ошириш;

педагоглар таркибининг касбий билими, педагогик маҳорати ва компетентлигини мустаҳкамлаб бориш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш.

13. Кафедранинг мажбуриятлари:

таълим жараёнини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, шунингдек, Вазирлик буйруқлари, фармойишлари, лицейнинг педагогик кенгаши қарорлари ҳамда ушбу низом талабларига асосан ўз фаолиятини амалга ошириш;

ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий йўналишларни қамраб олувчи йиллик режалар асосида ишларни ташкил этиш, методик ҳужжатлар ва журналларни юритиш;

кафедра йиғилишларини бир ойда камида икки маротаба ўтказиш ва унда кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича тайёрланган ўқув ва ишчи дастур, методик материаллар, ўқув-услубий мажмуалар, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар ва бошқа дидактик материаллар, турдош кафедралар томонидан тайёрланган шу турдаги методик материаллар,

педагогларнинг илмий изланиш натижалари, шунингдек, кафедра фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни муҳокама қилиш;

ўқитиладиган фанлар бўйича дастур ва методик материалларни илм-фаннинг замонавий ютуқлари, илғор миллий ва хорижий тажрибалар ҳамда қонунчиликдаги сўнгги ўзгаришлар асосида мунтазам янгиланган бориш, шунингдек, машғулотларда замонавий технологик хариталар асосида ўқитишнинг инновацион шакл ва усуллари қўлланган ҳолда таълим сифатини ошириб бориш;

кафедра педагогларининг шахсий иш режасидаги аудитория-ўқув юкласи бажарилишини таъминлаш;

“Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўқувчилар билан илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш;

ўқувчиларнинг келгусида Вазирлик Академиясининг мутахассислик йўналишлари бўйича билими ва қизиқишларини инобатга олиб, уларда интеллектуал ҳуқуқий билим, мантиқий фикрлаш ва қарор қабул қилиш, қонунни ҳурмат қилиш, унга риоя қилиш ҳамда юксак ватанпарварликни шакллантириш;

кафедра педагогларининг маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориш, уларнинг машғулот ўтишларини таҳлил қилиш мақсадида очиқ машғулот, педагогик назорат, машғулотларга ўзаро қатнашувларни ташкил этиш;

ёш педагогларнинг маҳорати ва тажрибасини оширишга услубий-методик қўмаклашиш орқали эришилган ижобий ютуқларни оммалаштириш ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб бориш;

белгиланган тартибда педагогларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, педагогик аттестациядан ўтказиш ҳамда уларнинг малака тоифаси бўйича синовларда иштирокини таъминлаш ва мувофиқлаштириш;

ўқувчилар билимини рейтинг тизими асосида ўз вақтида ва ҳолисона баҳолаш ҳамда мониторинг қилиш орқали ҳар ойда камида бир мартаба фан ўқитувчилари томонидан ўқувчилар билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ маслаҳатларни ташкил этиш ва ўтказиш;

чуқурлаштирилган фанлар бўйича кафедра қошидаги иқтидорли ўқувчилар фан тўғрисида ташкил этиш, уларни фан ютуқлари, илмий ишланмалар ва адабиётлар билан таъминлаш ҳамда сертификатлар учун ўқитиш;

умумтаълим мактаб ва бошқа таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этиш орқали ёшларни ички ишлар органларидаги хизматга бўлган қизиқишини юксалтириш;

ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий йўналишлардаги долзарб мавзулар бўйича илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, викторина, ҳуқуқий тарғибот ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

кафедранинг ижрочилик интизомига риоя этилиши ҳамда педагоглар зиммасига юклатилган хизмат мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

кафедрада меҳнатни муҳофаза қилиш, санитария қоидалари, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш, лицей мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш, лицейда ташкил этиладиган жамоатчилик ишлари, хусусан, бадиий, маданий, маънавий, маърифий ва бошқа ташкилий тадбирларда иштирок этиш.

14. Кафедранинг ҳуқуқлари:

кафедралар бошқа таълим муассасалари (кафедралари), амалиёт органларининг соҳавий хизматлари ва бошқа ташкилотлар билан қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш, малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни ўқув-тарбия жараёнига жалб қилиш;

педагогларнинг касбий билим ва кўникмалари, чет тили ва ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириб бориш, кафедра фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан учрашув ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

кафедра йиғилишига лицей раҳбарияти, кафедралар, шунингдек, бошқа таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, фан арбоблари, тингловчи (курсант)лар, талабалар, ўқувчилар ҳамда амалиёт ходимларини таклиф этиш;

педагоглар таркибини ўқитиладиган фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб бошқа олий таълим ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда малакасини ошириши ёки стажировка ўташини ташкил этиш;

ўқув жараёнини ривожлантириш учун энг илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва инновацион педагогик технологияларни татбиқ этиш;

кафедра ўқув-моддий базасини яратиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиб бориш;

иктидорли ўқувчилар билан ишлаш, улар билан ўқув ва илмий изланишларни ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларни фан олимпиадалари ва мусобақаларда қатнашиш учун тайёрлаш;

ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш, янги нашр этиладиган адабиётларга тақриз (хулоса)лар бериш;

ўқув-тарбия жараёнини амалиёт билан чамбарчас боғланган ҳолда ташкил этиш;

ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-маърифий ва жамоат ишларига тааллуқли бошқа масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

лицей ва республикадаги бошқа таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари адабиётларидан фойдаланиш;

ўқитишнинг замонавий услуб ва воситаларини танлаш, ўқув-тарбиявий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

4-боб. Кафедра педагог ходимларининг намунавий хизмат вазифалари

15. Кафедра бошлиғи – ўқув ва методик ишларни сифатли ва самарали ташкил этиш, машғулотларни юқори савияда ўтказиш, илмий-тадқиқот ишларининг сифати ва аҳволига, ўқувчиларни ўқитишнинг замонавий талаблари асосида малакали кадрлар сифатида тайёрлаш ва тарбиялаш, педагогларнинг хизмат вазифаларини виждонан ва сидқидилдан бажариши ва ижрочилик интизоми ҳолатига, шунингдек, мавжуд ўқув, моддий-техника

базасини сақлаш ва такомиллаштиришга ҳамда кафедрани самарали фаолият олиб бориши учун жавобгар педагог ходим.

16. Кафедра бошлиғи мазкур низомнинг 1-иловасига мувофиқ иш турлари бўйича умумий юкламаларни бажаради ҳамда унинг учун сарфланадиган вақт ҳажми ушбу низомнинг 2-иловасида белгиланган меъёрлар асосида қайд этилади.

Кафедра бошлиғига мазкур низомнинг 1-иловасига мувофиқ иш турлари бўйича режалаштирилган меъёрдаги ўқув юкламалар (аудитория) учун меҳнатига ҳақ тўланмайди (белгиланган меъёрдан ортиқча бажарилган ўқув юкламалар (аудитория) бундан мустасно).

17. Кафедра бошлиғининг мажбуриятлари:

кафедра педагоглари томонидан машғулотларни ўқитишнинг инновацион технологиялари асосида сифатли ўтказилишини ҳамда уларнинг лавозим вазифаларини намунали тарзда бажарилиши устидан назорат қилиш;

кафедра фаолияти билан боғлиқ масалаларни кафедра йиғилишларида муҳокама қилиб бориш ва мувофиқлаштириш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича дастурлар, тақвим, ўқув режалари ва бошқа ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;

кафедра аъзолари ўртасида ўқув юкласини тақсимлаш ҳамда унинг ўз вақтида сифатли бажарилишини назорат қилиш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув машғулотлар журналлари юритилишини ҳар ойда камида бир маротаба мониторингини амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича педагогларга услубий-методик кўмаклашиш;

ўқувчилар томонидан қолдирилган ёки қониқарсиз баҳоланган машғулотларни қайта топширишларини, фанлар бўйича ўқувчиларнинг жорий, оралиқ ва якуний назорат бўйича рейтингини назорат қилиш ва таҳлил қилиш;

кафедранинг иш режаси ва ҳисоботини, педагогларнинг шахсий иш режаларини, шунингдек, кафедра фаолиятига тегишли бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва лицей раҳбариятининг тасдиғига тақдим этиш;

ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ташкилий-методик ишларини олиб бориш учун зарурий шароитларни яратиш;

кафедрада ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ташкилий-методик ишларни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш;

кафедра фаолиятини режалаштириш ва амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш;

кафедрага бириктирилган ўқув хоналар ва аудиторияларда ички тартиб-қоидалари ва ёнғин хавфсизлигига риоя қилинишини ҳамда улардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш;

кафедра педагогларининг шахсий хавфсизлик чораларини билиши ва уларга риоя қилишини ҳамда мажбурий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтишини талаб қилиш;

лицей раҳбарияти ва бошқа юқори турувчи субъектлар текширувининг якуний натижалари ва Давлат аттестация комиссияси ишларини таҳлил қилиш ҳамда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

кафедра педагоглари ва ўқувчиларнинг амалиётини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

ўқув йили мобайнида белгиланган меъёردа бириктирилган ўқув юкламалар бўйича машғулотлар олиб бориш ҳамда камида икки маротаба намунавий очиқ дарслар ўтказиш;

белгиланган тартибда кафедрага педагогларни танлаш, лавозимга тайинлаш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан лицей раҳбариятига таклиф киритиш;

илмий-тадқиқот ишлари бўйича режалар бажарилиши ва педагог ходимларнинг малакаси доимий равишда оширилишини таъминлаш;

кафедра методик фондини замонавий техник воситалар билан таъминлаш ва жиҳозлаш чораларини кўриш, фанлар бўйича ўқув адабиётлар, маърузалар ва бошқа услубий кўргазмали материаллар билан тўлдириб бориш;

кафедрада иш юритилишини ташкил этиш ва бошқариш;

иқтидорли ўқувчиларнинг илмий тўғарақлари ишини назорат қилиш;

раҳбарият кўрсатмаси ҳамда ушбу низом, буйруқлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш;

ўқув-тарбия жараёнини амалиёт билан боғланган ҳолда ташкил этиш;

кафедра педагогларининг маънавий-сиёсий савиясини ошириш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича пулли хизмат кўрсатувчи ўқув-тайёрлов марказлари фаолиятини юқори савияда ташкил этиш;

ўзлаштириши суств бўлган ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш;

кафедрадан ўқув гуруҳларига бириктирилган гуруҳ раҳбарларининг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш;

умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчиларидан лицейга ўқишга муносиб номзодларни жалб этиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиш.

18. Кафедра бошлиғининг ҳуқуқлари:

кафедра фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама этиладиган лицейнинг барча бўлинмалари ишларида қатнашиш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашни ташкил этиш ҳамда уларни тайёрлаш жараёнида иштирок этиш;

кафедра педагогларини маънавий ва моддий рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо ёки таъсир чоралари ҳақида лицей раҳбариятига таклиф киритиш;

кафедра фаолияти билан боғлиқ илмий-амалий конференциялар ва семинарларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

режали ва режадан ташқари педагогик назоратлар ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини кафедра йиғилишларида муҳокама қилиш;

кафедрада ўқув ва меҳнат интизومي бузилишига ёки ўқув-тарбия жараёнида сусткашликка йўл қўйган ёхуд бошқа салбий ҳолатлар бўйича педагогларнинг хатти-ҳаракатларини кафедра йиғилишларида муҳокама қилиш;

ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, машғулотларга ўқитишнинг замонавий инновацион технологияларини жорий этиш юзасидан таклиф ва ташаббуслар билан лицей раҳбарига мурожаат қилиш;

лицейда ўтказиладиган оммавий ва бошқа илмий-методик тадбирларда ҳамда турли хил комиссия ва ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этиш.

19. Кафедра бош ўқитувчиси – ўзига юклатилган ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишларининг бажарилишига жавоб берадиган ҳамда кафедра бошлиғига илмий-тадқиқот ва ўқув-методик ишларни ташкил этишда ёрдам кўрсатадиган педагог ходим.

Кафедра бошлиғи лавозими бўш бўлганда ёки меҳнат таътилида, тиббий даволанишда ёхуд бошқа сабабларга кўра вақтинча вазифасини бажариш зарурати юзага келганда кафедра жамоасига раҳбарлик қилади, ўқув ва бошқа ишларнинг боришини назорат қилади.

20. Кафедра бош ўқитувчисининг мажбуриятлари:

ўқувчиларни ички ишлар органларида хизматни ўташлари ва Вазирликнинг олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун мақсадли тайёрлаш бўйича Давлат таълим стандартларига асосан ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўқув жараёнини ташкил этишда кафедра бошлиғига кўмаклашиш;

иктидорли ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш, улар билан турли фан танловларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

шахсий иш режасида кўрсатилган барча тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, фаолияти бўйича йиллик ҳисоботлар тайёрлаш ҳамда кафедрага тақдим этиш;

ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув дастурлари ва бошқа турдаги ўқув-методик материалларни тайёрлаш ва унда иштирок этиш;

ўқув юкламасининг тақсимотига кўра машғулотларни ўқув-методик, илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатдан ўқитишнинг инновацион технологиялари асосида юқори савияда ўтказиш;

кўргазмали очик машғулотларни ўтказиш, ўқитувчиларга педагогик маҳорат сирларини мунтазам равишда ўргатиб бориш;

кафедра ўқитувчиларига ўқув-методик ишларни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш;

амалиётдаги илғор иш тажрибаларини умумлаштириш ва ўқув жараёнига жорий этишда фаол қатнашиш;

ўқувчиларни чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, интеллектуал ривожланишини таъминлаш ҳамда юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ташкилий-методик машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа адабиётларни тайёрлаш;

ўқувчиларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган касбий-психологик билим ва кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштиришларини баҳолаш, жорий, оралик ва якуний назоратни амалга ошириш;

илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш ҳамда бу борада кафедрада илмий-тадқиқот олиб борувчи ходимларга маслаҳатлар бериш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар ва мутахассислик йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот олиб боришга мўлжалланган долзарб мавзуларни аниқлаш;

ўзига бириктирилган хизмат хоналари ва бошқа объектлар, шунингдек, кундалик фаолиятда ишлатиладиган техник воситалар ва бошқа моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни яроқли ҳолда сақлаш;

ўз касб маҳорати ва маънавий-маърифий билим савиясини ошириш устида доимий шуғулланиб бориш ҳамда лицейнинг кун тартиби, меҳнат қонунчилиги ва бошқа интизом қоидаларига қатъий амал қилиш.

21. Кафедра бош ўқитувчисининг ҳуқуқлари:

кафедрада ўқитилаётган фанларга тегишли бошқа таълим муассасалари ва хорижда нашрдан чиққан янги адабиётлар, ўқув-методик ва илмий қўлланмалар билан мунтазам равишда танишиб бориш ҳамда улардаги янгиликларни ўқув жараёнига ва фан ривожланишига татбиқ этиш;

илмий мақола ва ишланмаларни тайёрлаш, нашр этиш ва бошқа тадқиқот жараёни билан боғлиқ масалаларда бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар йиғилишларида маъруза (тезис) билан иштирок этиш;

илмий-амалий конференциялар, викторина, давра суҳбатлари ва бошқа ташкилий, оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва унда иштирок этиш;

кафедра фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокамасида иштирок этиш ва кун тартибидаги масала юзасидан асосли таклиф ва тавсияларни бериш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув методик адабиётлар ва дидактик материалларни тайёрлаш;

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш мақсадида бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш;

ўқитиладиган фан бўйича иқтидорли ўқувчилар ҳамда ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар бўйича кафедра бошлиғига таклифлар киритиш;

режали ва режадан ташқари машғулотларга ўзаро қатнашиш ҳамда унинг натижалари бўйича кафедра йиғилиши муҳокамасида иштирок этиш;

ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, машғулотларга ўқитишнинг инновацион технологияларини жорий этиш юзасидан асосли таклиф ва ташаббусларни илгари суриш.

22. Кафедра етакчи ўқитувчиси – ўзига юклатилган ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишларининг бажарилишига жавоб берадиган ҳамда кафедранинг илмий-тадқиқот ва ўқув-методик фаолиятига кўмаклашадиган педагог ходим.

23. Кафедра етакчи ўқитувчисининг мажбуриятлари:

ўқувчиларни ички ишлар органларида хизматни ўташлари ва Вазирликнинг олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун мақсадли тайёрлаш бўйича Давлат таълим стандартларига асосан ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўқув жараёнини ташкил этишда кафедра бошлиғига кўмаклашиш;

шахсий иш режасида кўрсатилган барча тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, фаолияти бўйича даврий ҳисоботларни тайёрлаш ва кафедрага тақдим этиш;

иқтидорли ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш, улар билан турли фан танловларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фан тўгаракларига раҳбарлик қилиш;

ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув дастурлари ва бошқа турдаги ўқув-методик материалларни тайёрлаш ва унда иштирок этиш;

ўқув юкламасининг тақсимолига кўра машғулотларни ўқув-методик, илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатдан ўқитишнинг энг замонавий инновацион технологиялари асосида юқори савияда ўтказиш;

кўргазмали очиқ машғулотларни ўтказиш ҳамда бошқа ўқитувчилар машғулоти бўйича ўтказилган педагогик назоратларнинг ижобий натижаларини ўзлаштириш;

кафедра (катта) ўқитувчиларига ўқув-методик ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишга кўмаклашиш;

амалиётдаги илғор иш тажрибаларини умумлаштириш ва уни ўқув жараёнига жорий этишда фаол қатнашиш;

ўқувчиларни чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, интеллектуал ривожланишини таъминлаш ҳамда юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ташкилий-методик машғулотларни ўтказиш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа методик ишларни тайёрлашда иштирок этиш;

ўқувчиларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган касбий-психологик билим ва кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларнинг ўқув материаллини ўзлаштиришларини жорий, оралиқ ва якуний назорат асосида баҳолаш;

илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш ва бу борада кафедрада илмий тадқиқот олиб борувчи ходимларга маслаҳатлар бериш;

ўзига бириктирилган хизмат хоналари ва бошқа объектлар, шунингдек, кундалик фаолиятда ишлатиладиган техник воситалар ва бошқа моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни яроқли ҳолда сақлаш;

ўз касбий маҳорати ва маънавий-маърифий билим савиясини ошириш устида доимий шуғулланиб бориш ҳамда лицейнинг кун тартиби, меҳнат қонунчилиги ва бошқа интизом қоидаларига қатъий амал қилиш.

24. Кафедра етакчи ўқитувчисининг ҳуқуқлари:

кафедрада ўқитиладиган фанларга тегишли бошқа таълим муассасалари ва хорижда нашрдан чиққан янги адабиётлар, ўқув-методик ва илмий қўлланмалар билан мунтазам равишда танишиб бориш ҳамда улардаги янгиликларни ўқув жараёнига ва фан ривожига татбиқ этиш;

илмий мақола ва ишланмаларни тайёрлаш, нашр этиш ва тадқиқот жараёни билан боғлиқ шу каби масалаларда бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар йиғилишларида маъруза (тезис) билан иштирок этиш;

илмий-амалий конференциялар, викторина, давра суҳбатлари ва бошқа ташкилий, оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва унда иштирок этиш;

кафедра фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокамасида иштирок этиш ва кун тартибидаги масала юзасидан таклиф ва тавсияларни бериш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича методик адабиётлар ва дидактик материалларни тайёрлаш;

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш мақсадида бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш;

ўқитиладиган фан бўйича иқтидорли ўқувчилар ҳамда ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар бўйича кафедра бошлиғига асосли таклифлар киритиш;

режали ва режадан ташқари машғулотларга ўзаро қатнашиш ҳамда унинг натижалари бўйича кафедра йиғилиши муҳокамасида иштирок этиш;

ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, машғулотларга ўқитишнинг инновацион технологияларини жорий этиш юзасидан асосли таклиф ва ташаббусларни илгари суриш.

25. Кафедра катта ўқитувчиси – ўзига юклатилган ўқув-методик ва илмий-тадқиқот ишларининг бажарилишига жавоб берадиган ҳамда кафедранинг илмий-тадқиқот ва ўқув-методик фаолиятига кўмаклашадиган, шунингдек, кафедрадаги ёш ўқитувчилар ва бириктирилган иқтидорли ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул педагог ходим.

26. Катта ўқитувчининг мажбуриятлари:

шахсий иш режасида кўрсатилган барча тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш ҳамда фаолияти бўйича йиллик ҳисоботларни тайёрлаш ва кафедрага тақдим этиш;

кафедра ўқув жараёнида фаол қатнашиш, уни тўғри ташкил этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

ўзининг интеллектуал даражаси, илмий малакаси ва кўникмаларини махсус билимлар билан такомиллаштириши ҳамда педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши;

ўқув жараёни, методик ва илмий-тадқиқот ишларини режалаштиришда, ўқув-методик воситалари ва захираларини такомиллаштиришда ҳамда ўқитилаётган фанлар бўйича методик материалларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ўқувчиларни ички ишлар органларида хизматни ўташлари ва Вазирликнинг олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун мақсадли тайёрлаш бўйича Давлат таълим стандартларига асосан ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўқув жараёнини ташкил этишда кафедра бошлиғига кўмаклашиш;

ўқув жараёнида ўқитишнинг замонавий интерфаол методлари, шакллари ва техник воситаларидан фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш ва унинг натижаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

ўқувчиларнинг илмий тўғарақлари ишларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;

кўргазмали очик машғулотларни ўтказиш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳорат сирларини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

ўқувчиларнинг кафедрада ўқитилаётган фанларни ўзлаштириш жараёнига индивидуал ёндашиш, мазкур жараёнга уларнинг шахсий хислатлари таъсирини билиш, уларнинг билимларини объектив баҳолаш;

ўқувчиларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган касбий-психологик билим ва кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларнинг ўқув материаллини ўзлаштиришларини жорий, оралиқ ва якуний назорат асосида баҳолаш;

иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни олий таълим муассасаларига ўқишга қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда мониторингини юритишда иштирок этиш;

ўзига бириктирилган хизмат хоналари ва бошқа объектлар, шунингдек, кундалик фаолиятда ишлатиладиган техник воситалар ва бошқа моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни яроқли ҳолда сақлаш;

ўз касб маҳорати ва маънавий-маърифий билим савиясини ошириш устида доимий шуғулланиб бориш ҳамда лицейнинг кун тартиби, меҳнат қонунчилиги ва бошқа интизом қоидаларига қатъий амал қилиш.

27. Кафедра катта ўқитувчисининг ҳуқуқлари:

ўқувчилар билан ўқув жараёнида ва ундан ташқари вақтларда тарбиявий ишларни олиб бориш;

хорижда қўлланиладиган илғор ўқув шакллари ва услубларини ўзининг амалий иш фаолиятига татбиқ этиш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

доимий равишда ўз фаолияти бўйича малакасини такомиллаштириб бориш;

ўқув гуруҳларига раҳбарлик қилиш ва бошқа ташкилий-тарбиявий ишларни амалга ошириш бўйича кафедра бошлиғига асосли таклиф ва тавсиялар киритиб бориш;

ўтказиладиган конференция, давра суҳбатлари ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этиш;

кафедрада олиб борилаётган илмий-изланишларни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишда фаол қатнашиш.

28. Кафедра мутахассис ўқитувчиси – кафедрада ўқув жараёнини олиб боровчи, ўқув машғулотларининг сифатли ўтказилишини таъминловчи, ўқувчилар билан бевосита ўқув, илмий-методик, ташкилий-тарбиявий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишларни олиб боровчи педагог ходим.

29. Кафедра мутахассис ўқитувчисининг мажбуриятлари:

шахсий иш режасида кўрсатилган барча тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш ҳамда фаолияти бўйича йиллик ҳисоботлар тайёрлаш ва кафедрага тақдим этиш;

ўқув машғулотларини ўқитишнинг интерфаол методларини қўллаган ҳолда сифатли ўтказиш;

ўзининг интеллектуал даражаси, касбий малакаси ва кўникмаларини махсус билимлар, илмий изланишлар билан такомиллаштириш ҳамда педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориш;

кафедра фаолияти билан боғлиқ йиғилишларни ташкил этиш ва йиғилиш баёнларининг юритилишига услубий кўмаклашиш;

ўқувчилар билан барча турдаги машғулотларни юқори касбий ва методик даражада олиб бориш;

илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва унинг натижаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

амалиёт органлари тажрибасини ўрганиш ҳамда педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятда қўллаш;

бошқа таълим муассасаларида ва хорижий мамлакатларда қўлланиладиган замонавий ўқитиш ва тарбиялаш усуллари, шакллари ҳамда воситаларидан ўқув жараёнида фойдаланиш;

ўқувчилар билан ўқиш жараёнида ва ундан ташқари вақтларда тарбиявий ишларни олиб бориш;

ўқувчиларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган касбий-психологик билим ва кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришларини жорий, оралиқ ва якуний назорат асосида баҳолаш;

ўқувчиларнинг шахсий сифатларини билиш, билим, кўникма ва маҳоратларини объектив баҳолаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда уларга нисбатан талабчан бўлиш;

ўзига бириктирилган хизмат хоналари ва бошқа объектлар, шунингдек, кундалик фаолиятда ишлатиладиган техник воситалар ва бошқа моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни яроқли ҳолда сақлаш;

доимий равишда ўз педагогик фаолиятини ривожлантириш ва замонавий ахборот воситалари билан ишлаш малакасини шакллантириш ҳамда такомиллаштириб бориш;

лицейнинг кун тартиби, меҳнат қонунчилиги ва бошқа интизом қоидаларига қатъий амал қилиш.

30. Кафедра мутахассис ўқитувчисининг ҳуқуқлари:

ўқувчилар билан ўқув жараёнида ва ундан ташқари вақтларда ўтказиладиган тарбиявий ишларда иштирок этиш;

хорижда қўлланиладиган илғор ўқув шакллари ва услубларини ўзининг амалий иш фаолиятига татбиқ этиш;

кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа адабиётларни тайёрлашда кўмаклашиш;

доимий равишда ўзининг фаолияти бўйича малакасини ошириб бориш;

фан тўғарақларига раҳбарлик қилиш ва бошқа ташкилий-тарбиявий ишларни амалга ошириш бўйича кафедра бошлиғига асосли таклиф ва тавсиялар киритиш;

ўтказиладиган конференция, давра суҳбатлари ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этиш;

кафедрада олиб борилаётган илмий изланишларни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашиш.

31. Кафедра навбатчи ўқитувчиси кафедранинг педагоглари орасидан тайинланиб, улар ҳар семестр бошида тузилган ва кафедра бошлиғи томонидан тасдиқланган жадвал асосида навбатчилик олиб борадилар.

32. Кафедра навбатчи ўқитувчисининг мажбуриятлари:

навбатчилик куни соат 9.00 дан 16.00 гача иш жойида бўлиш;

машғулот жадвалига кўра дарс бошланиши олдидан кафедра ўқитувчиларининг ишга келганлигини аниқлаш ҳамда бу ҳақда кафедра бошлиғига ахборот бериш;

ўқитувчи ишга келмаган ёки кечикиб келган тақдирда машғулотнинг ўтказилмай қолишининг олдини олиш мақсадида ўқув бўлими ва кафедра бошлиғига машғулот бошланишидан олдин огоҳлантириш ва машғулотни режалаштирилмаган бошқа ўқитувчилардан бирининг машғулот ўтиши мумкинлиги бўйича маълум қилиш;

ўқув жараёни ҳамда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини таъминлаш;

оралиқ ва якуний баҳолаш жараёнида ўқитувчиларга кўмаклашиш ва улардан синов якунида методик ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим этилишини талаб қилиш;

кафедра томонидан ўқитиладиган фанлар бўйича маслаҳатлар (консультация) ўтказиш, ўқувчиларнинг қолдирилган дарслари ва қониқарсиз баҳоларини қайта топширишни қабул қилиш;

кафедранинг фаолиятида ва ўқув жараёнини таъминлашда ҳамда навбатчилик даврида аниқланган камчиликлар бўйича дастлабки чораларни кўриш;

навбатчилик натижалари, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этишда қўлланилган чоралар бўйича кафедра раҳбариятига ахборот бериш.

33. Кафедрада юритиладиган ҳужжатлар:

йиллик иш режалари;
педагогларнинг шахсий иш режалари;
намунавий ва ишчи ўқув дастурлари;
мавзу (тақвим) режалари;
кафедра тўғараклари ва ўқув тайёргарлик марказининг ўқув йили учун иш режаси;
асосий фан олимпиадасининг ўқув йили учун иш режаси;
ўқувчилар билимини мониторинг қилиш қайдномалари;
ўқитувчиларнинг навбатчилик жадвали;
педагогларнинг машғулотларини педагогик назорат қилиш жадвали;
педагогик назоратларни қайд этиш журнали;
ўқув юкламаси бажарилишини қайд этиш журнали;
ўқитиладиган фанлар бўйича оралик ва якуний назоратларни ўтказиш учун методик материаллар;

йиғилиш баённомалари;

ўқув йили учун (семестр) ҳисобот;

ўқитиладиган фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бошқа ўқув-методик ҳужжатлар (фанлар бўйича фонд маърузалари, ўқувчиларнинг амалиёти ва Якуний Давлат аттестацияси материаллари, ўқув фанини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуалар, методик материаллар ва бошқалар) ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

34. Кафедрада юритиладиган ҳужжатларнинг тўғри юритилиши ва бажарилиши учун кафедра бошлиғи масъул. Ҳужжатлар ўқув йили якунида йиғмажилд шаклида жамланади ҳамда уч ўқув йили давомида кафедрада сақланади.

5-боб. Кафедра ва педагоглар фаолияти кўрсаткичларини баҳолаш

35. Кафедра фаолияти лицей директорининг буйруғи билан тузиладиган ва камида 7 нафар таркибдан иборат махсус комиссия томонидан ўқув йили бўйича ўрганилади ҳамда ўқув йили якунида баҳоланади.

Махсус комиссия лицей директори раислигида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари (раис ўринбосари), ўқув бўлими, кафедра (баҳоланадиган кафедра бошлиғи мустасно) бошлиқлари, малакали педагоглар ҳамда ўқув бўлими услубчиси (котиб) таркибидан шакллантирилади.

36. Кафедрада ҳар бир педагог фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари (Key Performance Indicators – KPI) мазкур низомнинг 3-иловасидаги баҳолаш мезонларига мувофиқ ҳолисона ва адолатли рейтинг асосида баҳоланади.

Лицейнинг педагоглар таркибидаги лавозимларига янги ишга қабул қилинганларга нисбатан (бир семестр ишламаган бўлса) мазкур баҳолаш мезонлари татбиқ этилмайди.

37. Педагоглар рейтинги жорий ўқув йили давомида бажарилган ишлари бўйича қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

илмий-педагогик фаолият натижалари учун – 60 балл;

ўтказилган педагогик назоратлар натижалари учун – 40 балл.

Бунда педагогнинг рейтинг кўрсаткичлари қуйидагича баҳоланади:

86 – 100 балл – “аъло”;

71 – 85 балл – “яхши”;

56 – 70 балл – “қониқарли”;

55 баллдан паст – “қониқарсиз”.

38. Ушбу низомнинг 37-бандидаги мезонлар бўйича педагоглар тўплаши мумкин бўлган умумий 100 баллдан қуйидаги ҳолларда жарима баллари олиб ташланади:

сабабсиз машғулотни ўтказмаслик (педагог айби билан) – 5 балл;

ўқув машғулотларига кечикиб кириш ёки муддатидан аввал тугатиш ёхуд машғулот хонасини эрта тарк этиш – 3 балл;

ўқув машғулотини тайёргарлик кўрмаган ҳолда ўтказиш (машғулотга услубий-методик материалларсиз ва/ёки адабиётларсиз кириш) – 3 балл;

ўқув машғулотлар журналларини юритиш қоидаларини бузиш – 2 балл;

лицейнинг кун тартиби ёки ички меҳнат тартиби ёхуд бошқа педагогик этика қоидаларини бузиш – 2 балл.

Махсус комиссия (котиб) томонидан ўқув йили давомида ҳар бир кафедра педагоглари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар мониторинг қилиб борилади ҳамда жарима баллари рейтинг баҳолаш жараёнида (ўқув йили якунида) умумий баллдан олиб ташланади. Агар педагог бир нечта камчиликларга йўл қўйса, барча камчиликлар бўйича жарима баллари қўшиб ҳисобланади (бунда жарима баллар 15 баллдан ошмаслиги керак).

39. Кафедра педагоглари ушбу низомнинг 4-иловасидаги шаклга мувофиқ 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, арифметик ҳисоблаш, яъни ўқитувчилар тўплаган умумий баллар йиғиндисини кафедранинг мавжуд педагоглари сонига бўлиш орқали кафедранинг ўртача кўрсаткичи (бали) аниқланади.

Кафедра ва педагоглар фаолияти кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ўқув йили бошида махсус комиссия томонидан педагогларга тушунтирилади.

Махсус комиссия раиси, ўринбосари ва котиби рейтинг баҳолаш тизимининг тўғри юритилиши, ҳолисона ва адолатли мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар ҳисобланади.

40. Рейтинг баҳолаш тизимини юритиш аҳволи ҳар чоракда камида бир маротаба лицейнинг илмий-педагогик кенгашида муҳокама қилиниб, умумий рейтинг натижалари ўқув йили якунида илмий-педагогик кенгаш қарори билан эълон қилинади.

Кафедра ва педагогларни рейтинг баҳолашнинг якуний натижалари лицей директори томонидан тасдиқланадиган қайднома (ведомость) билан расмийлаштирилади ҳамда қайднома тасдиқланган кундан бошлаб унинг нусхаси ўн кун муддатда Вазирликка тақдим этилади.

41. Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра, фаолият самарадорлик кўрсаткичлари “аъло” ёки “яхши” деб топилган педагоглар ва кафедра бошлиқлари белгиланган тартибда лицей (директор фонди) томонидан рағбатлантирилади ҳамда уларни идоравий ва давлат мукофотларига тавсия этиш бўйича Вазирликка тақлиф киритилади.

Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра, фаолият самарадорлик кўрсаткичлари “қониқарсиз” деб топилган педагог ва кафедра бошлиқлари кейинги семестр якунига қадар лицей томонидан рағбатлантирилмайди ҳамда идоравий ва давлат мукофотларига тавсия этилмайди, қонунчиликда белгиланган айрим ҳолатлар бундан мустасно.

Сўнги икки ўқув йилида кетма-кет фаолият самарадорлик кўрсаткичлари бўйича “қониқарсиз” баҳоланган педагоглар ёки кафедра бошлиқлари билан тузилган меҳнат шартномаси педагогик кенгаш қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

42. Кафедралар ўқитилаётган фанларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бошқа ўқув-методик мажмуалар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

43. Педагогларнинг намунавий йиллик иш режалари, асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрлари ва намунавий шахсий йиллик иш режалари амалдаги меъёр ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

44. Ушбу низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

45. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган.

Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг
кафедралари
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари кафедра бошлиқлари юкламаларининг иш турлари бўйича
ТАҚСИМОТ**

Т/р	Лавозим	Ўқув ишлари		Ўқув-методик ишлар	Илмий-тадқиқот ишлари	Ташкилий-методик ишлар
		Аудитория* (соат)	Бошқа турдаги			
1.	Кафедра бошлиғи	250	250	350	300	150
ЖАМИ		500		350	300	150
				1300		

**Изоҳ:* Кафедра бошлиқларининг эгаллаган мутахассислиги бўйича айрим фанлар учун ажратилган ўқув (соат) юкламалар ҳажми етарли бўлмаган тақдирда, кафедра бошлигининг ўқув ишлари (аудитория) бўйича юкласи 200 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этила

Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг
кафедралари
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари кафедра бошлиқлари умумий юкламасининг
бажарилишига сарфланадиган вақт ҳажмини қайд этиш
МЕЪЁРЛАРИ***

т/р	Иш тури	Ажратилган вақт меъёри	Изоҳ
1. Ўқув ишларига сарфланадиган вақт ҳажмини қайд этиш меъёрлари			
1.	Маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш.	бир академик соат учун — 1 соат	Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (40 дақиқа) ёки танаффуссиз икки академик соатдан (80 дақиқа) ўтказилади. Маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари ўқувчилар сони 26 нафаргача бўлади. Факультатив ва бошқа ўқув курслардаги маъруза машғулотларида ўқувчилар сони чекланмайди.
2.	Ўқувчилар билан амалиёт органларида, шу жумладан, режа асосида бошқа умумтаълим мактабларида ўқув машғулотлар ўтказиш	бир академик соат учун — 1 соат	бир кунда 6 соатдан ошмайди
3.	Факультатив ва ўқув режадан ташқари бошқа машғулотлар ўтказиш	бир академик соат учун — 1 соат	академик лицейи директори тасдиқланган алоҳида режа асосида
4.	Ўқувчиларнинг рейтинг назорати ишларини текшириш: оралиқ назорат учун; яқуний назорат учун; тест назорати учун.	0,3 соат; 0,5 соат; 0,1 соат.	кафедрa бошлиғининг бевосита ўзи томонидан ҳар бир ўқувчи иши текширилганда

5.	Ўқув ва ишчи дастурларда назарда тутилган лаборатория ва стажировка ишини текшириш	0,3 соат	бир ўқувчи учун, бунда ўқув йилида жами 10 соатдан ошмайди
6.	Ўқув фанлари бўйича маслаҳатлар (консультациялар) ўтказиш	икки академик соат учун — 0,5 соат	ўқув режаси асосида ўтказилган машғулотларга мувофиқ
7.	Ўқувчиларни олий таълим муассасасига ўқишга мақсадли тайёрлаш учун фан бўйича маслаҳатлар ўтказиш	бир академик соат учун — 0,5 соат	хар бир ўқув гуруҳи учун
8.	Тегишли фанлар бўйича ИИВ Академиясига ўқишга кириш учун (ижодий) ўқувчилардан имтиҳонларни қабул қилиш	хар бир номзод учун — 0,5 соат	қунига 6 соатдан, семестр давомида 50 соатдан ошмайди
9.	Ўқув амалиётга (стажировка) раҳбарлик қилиш, ҳисоботларни текшириш ва синовлар қабул қилиш билан бирга	хар бир ўқувчи учун — 0,5 соат	қунига 6 соатдан ошмайди
2. Ўқув-методик ишларга сарфланадиган вақт ҳажмини қайд этиш меъёрлари**			
1.	Фан (босқич) бўйича ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш: ўқув дастурлари; ишчи ўқув дастур.	хар бир фан учун — 30 соат; хар бир фан учун — 10 соат.	1 босма табоқ учун
2.	Ўқувчиларни фан олимпиадалар, заковат ва бошқа кўрик-танловларга тайёрлаш	хар бир ўқувчига — 20 соат	академик лицейи раҳбарияти томонидан бириктирилганда
3.	Маъруза, амалий, семинар, ва лаборатория машғулотларни ўтказиш бўйича ўқув мажмуалар (ишланма) тайёрлаш	икки академик соат машғулот учун — 10 соат	кафедра муҳокамасидан сўнг
4.	Ўқув амалиёт (стажировка) бўйича методик материаллар ишлаб чиқиш	15 соат	
5.	Ўқитишнинг замонавий интерфаол усулларини ишлаб чиқиш ва ахборот ресурслар марказига жойлаштириш: мультимедиа (тақдимот материаллари); топшириқлар тўплами (тест, кейс, казус, ва ҳ.к.); видеодарслар.	хар бир мавзу учун — 5 соат; хар бир мавзу учун — 10 соат; хар бир мавзу учун — 15 соат.	қайта ишланганда соатларнинг ярми инобатга олинади

6.	Ўқув машғулотларига ўзаро қатнашиш, ёзма шаклда баҳолаш (журнал) мажбурияти билан	бир академик соат учун — 1 соат	бир ўқув семестрида 12 соатдан ошмайди
7.	Тасдиқланган режа асосида стажировка ўташи ёки малака ошириши	хар бир кун учун — 6 соат	хисобот топшириш мажбурияти билан
8.	Кафедра фонди учун маъруза матнларини ёзиш (электрон шакли билан): янги тайёрлаш; қайта тайёрлаш.	икки академик соат машғулот учун: 30 соат; 15 соат	кафедра муҳокамасидан сўнг
9.	Оралик ва якуний назоратларни ўтказиш учун методик материаллар тайёрлаш: оралиқ назоратлар; якуний назоратлар; Давлат аттестациялари.	4 соат; 5 соат; 6 соат.	кафедра муҳокамасидан сўнг
10.	Рейтинг назорат бўйича назорат ишлари, тест топшириқлари ва бошқа ишларнинг вариантларини ишлаб чиқиш: ёзма вариант; тест топшириғи	битта вариант учун — 0,5 соат; битта топшириқ учун — 0,4 соат	кафедра муҳокамасидан сўнг
11.	Маъруза, амалий, семинар, ва лаборатория машғулотларни ўтказиш учун тайёргарлик кўриш	маъруза учун — 1 соат; бошқа машғулот турлари учун — 0,5 соат	кафедра муҳокамасидан сўнг, хар бир мавзу бўйича
12.	Ўқув тайёрлов маркази учун машғулотларни ўтказиш бўйича намунавий методик материалларни тайёрлаш	битта машғулот учун — 5 соат;	кафедра муҳокамасидан сўнг, хар бир машғулот учун
13.	Маъруза, амалий, семинар, ва лаборатория машғулотларини педагогик назорат қилиш	хар бир педагогик назорат учун — 4 соат	кафедра муҳокамасидан сўнг, ўқув йилида 70 соатдан ошмайди
14.	Дарсликлар ва ўқув (услубий) қўлланма ишлаб чиқиш, шу жумладан, нашрга тайёрлаш	дарслик учун — 50 соат; ўқув (услубий) қўлланма учун — 30 соат	бир босма табоқ учун. Ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича тегишли гувоҳномага эга бўлганда
15.	Ахборот технологиялари (IT) имкониятлари орқали баҳолашни автоматлаштирган текширувчи фан бўйича тестлар банкини яратиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш	хар бир фан учун — 50 соат	ахборот ресурслар марказига жойлаштирилганда

16.	Тегишли кафедра томонидан тайёрланган дарслик, ўқув (услубий) кўлланма, ўқув ишланма ва методик материалларига ёзма тақриз бериш	ҳар бир адабиёт учун — 5 соат	бир босма табоқ учун
17.	Олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) хулоса бериш.	ҳар бир хулоса учун — 4 соат	бир босма табоқ учун. Тасдиқловчи ҳужжат (хулоса нусхаси) тақдим этган тақдирда
3. Илмий-тадқиқот ишларга сарфланадиган вақт ҳажмини қайд этиш меъёрлари**			
1.	Докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш	250 соат	тегишли Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар муҳокамасидан ўтган тақдирда
2.	Монография ёзиш ва нашрга тайёрлаш: янги иш ёзиш; қайта нашр қилиш.	50 соат; 30 соат.	бир босма табоқ учун. Нашр этилганда
3.	Илмий мақола (ОАК журналлари рўйхатида бўлса), тезис (мақола) ва доклад ёзиш, шу жумладан, нашрга тайёрлаш: халқаро миқёсда; республика миқёсда; таълим муассасаси миқёсида.	ҳар бир илмий мақола ва тезис учун: 70 соат; 50 соат; 20 соат.	тегишли журнал ва тўпламларда эълон қилинганда
4.	Монография, дарслик, ўқув кўлланма, илмий мақола, маъруза, диссертация, автореферат ва бошқа илмий нашрларни таҳрир қилиш ёки тақриз ёзиш	ҳар бир адабиёт учун — 10 соат	бир босма табоқ учун
5.	Илмий (конференция, семинар ва ҳ.к.) хизмат сафарларида бўлиш	бир кун учун — 6 соат	ўқув йилида 80 соатдан ошмайди
6.	Конференция, семинар ва давра суҳбатлари ишида иштирок этиш (маъруза тезис билан)	битта илмий тадбир учун — 4 соат	ўқув йилида 60 соатдан ошмайди
7.	Фан бўйича ўқувчилар фан тўгараги ва ўқув тайёрлов маркази машғулотларига раҳбарлик қилиш	битта ўқув йили учун — 40 соат	тасдиқланган режа-график мавжуд бўлса
8.	Меъерий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратишда ишчи комиссия таркибида иштирок этиш	бир кун учун — 6 соат	тасдиқланган ҳужжат мавжуд бўлса, ўқув йилида 80 соатдан ошмайди

9.	Докторлик диссертациясини тайёрлаш бўйича илмий тадқиқот иши билан шуғулланиш	100 соат	агар сўнги 3 йилда тадқиқот мавзуси ОАК бюллетенида эълон қилинган бўлса
4. Ташкилий-методик ишларга сарфланадиган вақт ҳажмини қайд этиш меъёрлари			
1.	Ўқувчиларни олий таълим муассасасига ўқишга мақсадли тайёрлаш ҳамда лицейга ўқишга номзодларни жалб этиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этиш	ўқув йили учун — 20 соат	ОАВлари ва ижтимоий тармоқларда ёритилганда
2.	Ўқишдан ташқари спорт тадбирлари (ўқув тайёргарлик, жисмоний тарбия машғулотлари, спорт байрамлари, кечалари, спортчиларнинг чиқишлари, спорт мусобақалари)ни ташкил қилиш ва ўтказиш	битта тадбир учун — 10 соат	ўқув йилида 80 соатдан ошмайди
3.	Конференция, викторина, давра суҳбати, заковат, семинар-тренинглар ташкил этиш ва ўтказиш: республика миқёсда; ҳудудлар миқёсида; таълим муассасаси миқёсида.	битта тадбир учун: 30 соат; 20 соат; 10 соат.	ОАВлари ва ижтимоий тармоқларда ёритилганда
4.	Кафедрага юклатилган ташкилий-методик ишлар (режалаштирувчи ва ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш, кафедра йиғилишига раҳбарлик, назорат қилиш ва бошқа вазифалар)га раҳбарлик қилиш:	ўқув йили учун — 100 соат	
5.	Бошқа кафедраларнинг иш фаолияти ва рейтинг тизими бўйича текширув комиссия таркибида иштирок этиш	бир кун учун — 6 соатгача	академик лицей директорининг тегишли қарори асосида жалб этилганда
6.	Давлат имтиҳонларини қабул қилиш бўйича аттестация комиссияси ишида иштирок этиш	бир кун учун — 6 соат	тегишли буйруқ билан комиссияга жалб этилганда
7.	Ташкилий тадбирларни ўзида қамраб олган дастур, режа ва жадваллар ишлаб чиқиш	битта комплекс дастур ва режа учун — 10 соат	академик лицейи масъул раҳбари томонидан тасдиқланган тақдирда

8.	Ўқув жараёнидан ташқари вақтларда ўзлаштириши паст ва ички тартиб бузишга мойил ўқувчилар билан яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб бориш	битта ўқувчи учун бир йилга — 20 соат	кафедра йиғилишида муҳокама қилиш ҳамда ёзма шаклда ҳисобот топшириш мажбурияти билан
9.	Ўқувчилар билан экскурсия ва бошқа маданий-оммавий тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш	битта тадбир учун — 6 соат	ўқув йилида 60 соатдан ошмайди

***Изоҳ:** Кафедра бошлиқларининг шахсий иш режаси ушбу вақт меъёрлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув йили учун ишлаб чиқилади (кафедра муҳокамаси асосида) ҳамда режалаштирилган ва амалда бажарилган барча иш турлари бўйича ҳар семестр якунида кафедра бошлиқларининг ҳисоботи академик лицейи педагогик кенгашида муҳокама қилинади. Кафедра бошлиқларининг иш турларини бажарилиши устидан назорат лицейи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

****Изоҳ:** Агар ўқув-методик материаллари ва илмий-тадқиқот адабиётлари ҳаммуаллифликда тайёрланган бўлса, соатлар ҳажми тенг тақсимланади.

**Ички ишлар вазирлиги _____ академик лицейи кафедра педагоглари
таркибининг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари(КРІ)ни
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ***

Т/р	Баҳолаш индикатори**	Балл
I.	Илмий-педагогик фаолият натижалари	60
1.	Фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд доцент ёки профессор илмий унвонлари мавжудлиги	3
2.	Фан бўйича миллий ёки хорижий сертификатнинг мавжудлиги (спорт бўйича унвон ёки разряд)	3
3.	Ўқув ва илмий адабиёт (дарслик, монография, ўқув / услубий қўлланма)лар тайёрлаш: якка муаллифликда; хаммуаллифликда.	4
		4 2
4.	Илмий (ОАК журналида) мақолалар эълон қилиш (1 та мақола учун): халқаро миқёсида; республика миқёсида.	3
		2
		1
5.	Кўргазмалар танлов, мусобақа ёки номинацияларда совриндор бўлиш: халқаро миқёсида; республика миқёсида; таълим муассасаси миқёсида.	6
		3
		2
		1
6.	Илмий-амалий конференция, давра суҳбати ва илмий семинарларда маъруза (тезис мақола) билан қатнашиш: халқаро миқёсида; республика миқёсида.	3
		2
		1
7.	Фан олимпиадаси ғолибларини тайёрлаш (1 нафар совриндор ўқувчи учун): республика ёки халқаро миқёсида; худудий миқёсида; таълим муассасаси миқёсида.	10
		5
		4
		1
8.	Илмий ва ташкилий раҳбарликда ўқувчиларни кўрик-танлов ёки мусобақаларга тайёрлаш (совриндор бўлган якка ёки битта жамоа учун): республика ёки халқаро миқёсида; худудий миқёсида; таълим муассасаси миқёсида.	8
		4
		3
		1
9.	Ўқув-методик, илмий ва ташкилий ишларда фаол қатнашиш: фан учун мультимедиа ва видеодарс тайёрлаш (барча мавзу учун); фан учун услубий-ишланма ёки тестлар банкни тайёрлаш (барча мавзу учун); илмий тадқиқот иши билан шуғулланиш (ОАК бюллетенида бўлса); фан тўғраги ёки ўқув тайёрлов марказида доимий машғулот ўтказиш; иккита ва ундан ортиқ намунавий очик дарс ўтказиш; семинар-тренинг, конференция ташкил этиш ва ўтказиш (1 та тадбирга); давра суҳбати, викторина ёки заковат ўтказиш (1 та тадбирга); тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол қатнашиш (1 та тадбирга); лицей фаолиятини ОАВда ёритиш ёки интервью қилиш (1 та тадбирга).	20
		4
		4
		3
		3
		2
		1
		1
		1
		1
II.	Ўтказилган педагогик назоратлар натижалари	40
1.	Ўтказилган барча педагогик назорат натижаларининг ўртачасидан келиб чиқиб машғулотлар сифатини баҳолаш учун, жами: “яхши” баҳоланганда;	40 40

	“қониқарли” баҳоланганда; “қониқарсиз” баҳоланганда.	20 0
Қўлланиладиган жарима баллари***		-15
1.	Сабабсиз машғулотни ўтказмаслик (педагогнинг айби билан);	-5
2.	Ўқув машғулотларига кечикиб кириш, муддатидан аввал тугатиш ёки машғулот хонасини тарк этиш;	-3
3.	Ўқув машғулотини тайёргарлик кўрмаган ҳолда ўтказиш (машғулотга услубий-методик материалларсиз/адабиётларсиз кириш);	-3
4.	Ўқув машғулотлари журналларини юритиш қоидаларини бузиш;	-2
5.	Лицейнинг кун тартиби, ички меҳнат тартиби ёки бошқа педагогик этика қоидаларини бузиш.	-2

**Изоҳ:* Мазкур баҳолаш мезонлари Ички ишлар вазирлиги Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейининг аниқ фанлар ва ижтимоий-гуманитар фанлари ўқув қисмлари ва уларнинг педагоглар таркибини баҳолашга ҳам татбиқ этилади.

***Изоҳ:* Рейтинг баллар ҳар бир педагогнинг ўқув йили давомида эришилган кўрсаткичларини тасдиқловчи ҳужжатлардан (ҳаққонийлигини тасдиқловчи) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб борилади. Қўйиладиган баллар баҳолаш мезонидаги чекланган энг юқори баллар миқдоридан ошмаслиги керак.

****Изоҳ:* Махсус комиссия (котиб) томонидан ўқув йили давомида ҳар бир кафедра педагоглари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар мониторинг қилиб борилади ҳамда жарима баллари рейтинг баҳолаш жараёнида (ўқув йили якунида) умумий баллдан олиб ташланади. Агар педагог бир нечта камчиликларга йўл қўйган тақдирда барча камчиликлар бўйича жарима баллари қўшиб ҳисобланади (бунда жарима баллар -15 баллдан ошмаслиги керак).

Изоҳ: Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларининг кафедралари
тўғрисидаги низомга
4-илова

Ички ишлар вазирлиги _____ академик лицейлари ва Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейининг
кафедралари ва педагоглари фаолият самарадорлик кўрсаткичлари(КР)ни рейтинг баҳолаш
НАТИЖАЛАРИ*

Т/р	Кафедра номи	Ўқитувчи Ф.И.О.	Илмий-педагогик фаолият натижаси (балл)	Педагогик назоратлар натижаси (балл)	Жарима (балл)	ЖАМИ (балл)	Фаолиятига қўйилган баҳо
1.	Тилларни ўрганиш	Ахмедов Анвар Акбарович	55	40	0	95	“аъло”
2.	Тилларни ўрганиш	Валиев Азимжон Собирович	51	40	-5	86	“аъло”
3.	Тилларни ўрганиш	Каримова Севара Анваржоновна	40	40	-5	75	“яхши”
4.	Тилларни ўрганиш	Умарова Нафиса Абдухалил қизи	40	20	-3	57	“қониқарли”
.
.
.
.
.
.
14.	Тилларни ўрганиш	Юлдашев Асрор Қаюмович	30	20	-5	45	“қониқарсиз”
Тилларни ўрганиш кафедраси			43,2	32	-3,6	71,6	“яхши”

*Ҳар бир кафедра ва унинг педагоглар таркибининг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича рейтинг чиқарилгандан сўнг махсус комиссия томонидан кафедралар кесимида мувофиқлаштирилиб, натижалари педагогик кенгаш қарори билан эълон қилинади ҳамда лицей директори томонидан қайднома (ведомость) шаклида тасдиқланади.

Ички ишлар вазирининг
2024 йил “_____” _____даги
_____сон буйруғига
2-илова

**Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида ўқув машғулотларини педагогик назорат қилиш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур йўриқнома Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи (кейинги ўринларда – академик лицейлар)да таълим берувчилар томонидан ўтказиладиган ўқув машғулотларини ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари асосида ташкил этилганлиги даражасини ўқув жараёнининг маълум босқичида олдиндан белгиланган мезонлар асосида педагогик назорат қилиш орқали баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Педагогик назорат академик лицейлар директори ва унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, ўқув бўлими ва кафедра бошлиқлари, кафедрада фаолият кўрсатаётган илмий даражага эга бўлган педагоглар, шунингдек, академик лицей директорининг топшириғи бўйича бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Комиссия тартибидаги педагогик назорат академик лицейлар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш ваколатига эга бўлган юқори турувчи идоралар томонидан амалга оширилади.

3. Педагогик назоратни ўтказиш таълим берувчининг назарий билими, амалий кўникма ва малакаси, касбий компетенти, педагогик маҳорати ва қобилиятини баҳолашга, аниқланган камчиликлар бўйича услубий-методик кўмаклашишга ҳамда ижобий ютуқлар асосида ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари оммалаштиришга қаратилиши лозим.

4. Педагогик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш ўқув машғулот турларининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ушбу йўриқномага мувофиқ очиклик, шаффофлик, холислик, тизимлилик ва машғулотнинг ўқув мақсадларига асосланганлик тамойилларига асосан амалга оширилади.

5. Педагогик назорат ахборот-телекоммуникация воситалари ёрдамида машғулот ўтказиладиган аудиторияга кирмасдан видеокузатув ёки видеоёзув воситасида амалга оширилиши, шунингдек, видеоёзувни тегишли воситалар орқали кўриш ва таҳлил қилиш йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин.

2-боб. Педагогик назоратнинг асосий мақсади ва вазифалари

6. Педагогик назоратнинг асосий мақсади машғулотларнинг ўқув жараёнини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув режалари ва дастурлари талабларига мослигини аниқлаш, таълим берувчиларнинг педагогик маҳорати ва қобилиятини янада юксалтириш, ўқитишнинг инновацион технологиялари ва интерфаол методларидан самарали фойдаланиши, шунингдек, фанга доир назарий билими, амалий кўникма, малака ҳамда касбий компетентини баҳолаш орқали таълим жараёнига ижобий ютуқларнинг жорий этилишини таъминлашдан иборат.

7. Педагогик назоратнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

педагоглар ва ўқувчиларнинг ўтказилаётган ўқув машғулоти бўйича ташкилий ва услубий-методик тайёрлик даражасини аниқлаш;

машғулотнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш воситаларининг машғулот ўтказишга мослиги ва шайлигини аниқлаш;

машғулот тури ва мазмунининг ўқув режа ва ўқув дастурларидаги мавзуларга ўзаро мослигини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

педагогнинг касбий маданияти ва хулқ-атвори, фанга доир атамалар ва илмий-назарий қарашларни баён қилишда нутқининг равлонлиги ҳамда машғулотни ёритишда мантиқий изчиллик ва кетма-кетлик асосида вақтдан унумли фойдаланиш технологияси (тайм-менежмент)ни қўллаш маҳоратини аниқлаш ва баҳолаш;

педагогнинг аудитория билан психологик алоқа ўрнатиш борасидаги маҳорати ва машғулот мазмунининг амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанглигини баҳолаш ҳамда тарбиявий аҳамиятини аниқлаш;

педагогнинг замонавий педагогик технология (интерфаол усуллар, техник ўқув воситалар, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологиялари, дидактик материаллар, кўргазмали қуроллар ва бошқа)лардан фойдаланиш даражасини ҳамда унинг режалаштирилган машғулот мақсадига мослигини баҳолаш;

машғулот жараёнида мавзунинг назарий ва амалий жиҳатлари узвий уйғунликда баҳс ва мунозара шаклида олиб борилганлиги даражасини баҳолаш;

мавзунинг бошқа фанлар ва илмий-методик адабиётлар билан ўзаро алоқадорликда ёритиб берилиши ва тўғри йўналтирилганлигини аниқлаш;

мавзунинг долзарблиги ва амалий аҳамиятини ёритишда миллий ва хорижий тажрибалар, махсус адабиётлар, амалий мисоллар, статистик маълумотлар ва илм-фан ютуқларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш;

педагогнинг мавзу бўйича назарий ва амалий машқ ва топшириқларни бажара олиши ҳамда уларда билим ва кўникмалар ҳосил бўлганлиги даражасини баҳолаш;

машғулотда ўқувчиларнинг фаоллиги даражасини инобатга олган ҳолда уларнинг билимини холисона ва танқидий баҳолашда илғор усуллардан фойдаланилиши даражасини баҳолаш;

ўқувчилар томонидан берилган саволларга аниқ ва тушунарли жавоб берилиши, машғулот мақсадга эришганлиги ҳамда мавзу бўйича ўқувчиларни ўз устида мустақил ишлашга мажбурловчи вазифа ва топшириқлар берилганлигини баҳолаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича, шунингдек, таълим сифатини янада яхшилашга оид асосли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

3-боб. Педагогик назоратни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби

8. Педагогик назорат ушбу йўриқноманинг 2-бандида кўрсатилган шахслар томонидан режали ҳамда режадан ташқари амалга оширилади.

9. Режали педагогик назорат академик лицейларнинг кафедралари, Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида кафедраларга тенглаштирилган ўқув қисмлари (кейинги ўринларда – кафедралар) ва ўқув бўлимлари томонидан семестр учун тузилган ҳамда академик лицей директори томонидан тасдиқлаган жадвал асосида амалга оширилади. Жадвал семестр бошланишидан 10 кун олдин тузилиб, тасдиқлаш учун академик

лицей директорига тақдим этилади ҳамда тасдиқланган кундан бошлаб уч иш кунида барча педагоглар таркибига эълон қилинади.

Режали педагогик назоратни шакллантириш жараёнида семестр давомида ҳар бир педагогнинг ўқув юкмасини инобатга олган ҳолда уларнинг камида иккита машғулоти педагогик назорат тартибида баҳоланишига эътибор қаратилади.

Режали педагогик назорат – ўқитилаётган фан бўйича мутахассислиги тўғри келадиган, ўқув жараёнини бошқариш, назорат қилиш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган педагог раҳбарлар томонидан амалга оширилади. Тасдиқланган режага асосан ўз вақтида амалга оширилмаган педагогик назоратлар кафедра томонидан ўқув бўлими билан келишилган ҳолда бир ой муддатда (педагогнинг касаллиги ёки меҳнат таътилидаги давр бундан мустасно) янги санада ўтказилиши таъминланади.

10. Режадан ташқари педагогик назорат қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари пасайиб кетганда;

педагогнинг ўтказган муайян машғулоти ёки мавзу бўйича машғулот ўтиши устидан академик лицей раҳбарияти ёки ўқувчилар томонидан шикоятлар тушганда;

кафедра фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижалари юзасидан агар педагогнинг фаолият самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) “қониқарсиз” деб топилганда;

академик лицейлар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш ваколатига эга бўлган юқори турувчи идораларнинг топшириғи юзасидан;

академик лицей директорининг кўрсатмасига асосан ёки ўқув бўлими ёхуд кафедра (ўқув қисми) раҳбарияти ташаббуси билан ҳам ўтказилиши мумкин.

Режадан ташқари педагогик назоратни ўтказишдан олдин ўқув машғулотини ўтказувчи педагоглар машғулот бошланишидан олдин кафедра (ўқув қисми) бошлиғи ёки ўқув бўлими томонидан хабардор қилинади.

11. Педагогик назорат яқка тартибда – ваколатли битта педагог раҳбар томонидан ёки коллегия тартибда – икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

12. Педагогик назоратни амалга оширувчилар томонидан педагогик назоратни амалга ошириш жараёнида қуйидаги талабларга эътибор қаратилади:

машғулот бошланишидан олдин мавзуга оид ўқув-методик материаллар билан танишиши, педагог билан уларни муҳокама қилиши, шунингдек, педагогик назоратга, педагог ва ўқувчиларга қўйилган талаблар, ўқув ва техник воситалар билан таъминлаш ҳамда бошқа ташкилий масалалар бўйича педагогга маслаҳатлар бериши мумкин;

педагогик назоратни амалга оширувчи аудиторияга машғулот бошланишидан беш дақиқа олдин кириб, машғулот тугаганидан сўнг аудиториядан чиқади (педагогдан кейин кириш, узрли сабабларсиз машғулот тугамасдан аудиторияни тарк этиши, педагогга танбех ёки савол бериши ёхуд чалғитувчи бошқа ҳаракатлар қилиши тақиқланади);

машғулот ўтказилган куни кафедра бошлиғи машғулот ўтказган педагог ва бошқа педагоглар иштирокида (зарур ҳолларда академик лицей раҳбарияти ёки бошқа педагоглар ҳам) машғулотни муҳокама қилиши, машғулотнинг ташкилий ва услубий ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича асосли таклиф ва тавсиялар бериши лозим;

амалга оширилган педагогик назоратларни кафедралар (ўқув қисми) йиғилишида муҳокама этиб бориш;

педагогик назорат натижалари юзасидан мазкур йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ кафедранинг ўқув машғулотларини педагогик назорат журнаliga бир иш кунида муносабат билдириши шарт.

13. Ўтказилган ўқув машғулотини баҳолаш жараёнида педагогик назоратни амалга оширувчилар қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратади:

а) машғулотнинг ташкилий жиҳатлари бўйича:

машғулотнинг педагогик режалаштирилиши, хусусан, ўз вақтида бошланиши ва тугатилиши, ўқув аудиториясининг машғулот ўтилишига тайёрлиги даражаси, ўқув-техник воситалар мавжудлиги ва машғулот мақсадига мослиги;

услубий-методик материалларнинг мавжудлиги, тарқатма ва ёрдамчи материалларни машғулот бошланишидан олдин тарқатилганлиги, ўқув саволларини кўриб чиқиш учун вақт тақсимотининг мақбуллиги;

ўқувчиларнинг машғулотга тайёрлиги, адабиётлар билан таъминланганлиги даражаси, шунингдек, ўқув интизоми бошқарилиши ва назорат қилиниши.

б) машғулотнинг мазмунига оид жиҳатлар бўйича:

мавзу ва машғулот турининг дарс жадвалига, мавзу ва режа саволларининг ўқув дастури ва методик материалларга мослиги ҳамда ўқув машғулотининг миллий ва хорижий таълим стандарти талабларига жавоб бериши;

машғулотнинг қисмлар(кириш, асосий қисм, хулоса)га ажратган ҳолда ўтилиши, педагогнинг фан бўйича билими ва кўникмаси;

мавзу долзарблигининг ёритилиши, бошқа мавзулар ва фанлар билан боғланиши, мавзуни ўқувчиларнинг билими даражасини инобатга олган ҳолда очиқ берилиши, шунингдек, машғулотнинг мантиқий изчиллик ва кетма-кетликда давом эттирилиши;

мавзуга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалий мисоллар ва вазиятлар, статистик маълумотлардан фойдаланиши, шунингдек, суд-ҳуқуқ, қонунчилик ва фан соҳасига боғланганлиги;

в) машғулотнинг методик жиҳатлари бўйича:

замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги, педагогик маҳорати ва қобилияти, ўқитишнинг интерфаол методларининг тўғри танланганлиги;

машғулотда мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер, кўргазмали қуроллар ҳамда техник воситалардан фойдаланганлиги;

ўқитишнинг замонавий интерфаол методларини қўллаш орқали ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозара ва соғлом рақобат муҳити шаклланганлиги, кейс ва казуслар ёрдамида муаммоли вазиятларнинг вужудга келганлиги;

педагогнинг нутқ маданияти ва нутқининг раволиги, аудитория билан фаол психологик алоқанинг мавжудлиги, ўқувчилар билимини холисона объектив баҳолалиши, мустақил тайёргарлик учун топшириқлар берилганлиги ҳамда чет тилини билиши ва ундан машғулот жараёнида самарали фойдаланиши даражаси.

14. Педагогик назоратни амалга оширувчи шахс машғулотни баҳолаш жараёнида педагог томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда ижобий ютуқларни баён этади ва машғулотнинг мақсадига эришилганлик даражасини “мақсадга эришди”, “мақсадга қисман эришди” ёки “мақсадга эришмади” мазмунида хулоса қилади. Мазкур хулосада машғулот ўтказган педагогга “яхши”, “қониқарли” ёки “қониқарсиз” баҳо қўйилади.

Машғулот ўтказган педагог билдирилган хато ва камчиликлар билан танишиб, бу ҳақда педагогик назоратларни қайд этиш журналига муносабат (имзо) билдиради.

15. Педагогик назорат натижаси бўйича ўтказилган машғулот сифатини баҳолаш ушбу йўриқноманинг 2-иловасига асосан намунавий методика асосида амалга оширилади ҳамда педагогик назорат натижалари мазкур йўриқноманинг 3-иловасидаги педагогик назорат ва таҳлил варақасига мувофиқ тўлдирилади.

Педагогик назорат ўтказувчи педагогик назорат варақасини бир иш куни давомида расмийлаштириб, ўқув бўлимига топширади ва ушбу варақа таълим сифатини рейтинг баҳолаш ва мониторинг қилиш учун услубий ҳужжат ҳисобланади.

4-боб. Ўқув машғулотлар шакллари педагогик назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

16. Назарий, семинар ва амалий машғулотлар бўйича педагогик назорат ўтказилганда қуйидагилар аниқланади ва таҳлил қилинади:

ўқув-методик қўлланмалар (мажмуа, ишланма ёки маърузалар фонди, иш режа ва бошқа), асосий ва қўшимча адабиётлар, статистик ва дидактик материаллар ҳамда кўргазмали воситалар (мультимедиа тақдироти, видеодарс)нинг мавжудлиги;

мавзунинг назарий, амалий ҳамда илмий жиҳатдан ёритилиши даражаси;

мавзунинг долзарблиги, моҳияти, мақсади, илмий-методик ва амалий аҳамияти;

режадаги саволларни ёритишда мавзунинг ҳар томонлама таҳлили, саволларнинг муаммоли жиҳатларига алоҳида урғу қаратилганлиги даражаси;

саволларни ёритишда мантиқий кетма-кетлик, тизимлилик ва изчиллик даражаси;

мавзуни бошқа мавзулар, фанлар, хорижий тажриба, амалий мисоллар, суд-тергов ва қонунчилик соҳасидаги ислохотлар ҳамда илмий-назарий қарашлар билан тушунтирилиши даражаси;

педагогнинг нутқи раванлиги, фикрларнинг тушунарли ва аниқ баён қилиниши, ўқувчиларни машғулотга қизиқтира олиш даражаси;

аудиторияда психологик алоқа ўрнатиши, ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш қобилияти ҳамда педагогик маҳорати ва техникаси(қўл ҳаракати, мимика, хатти-ҳаракати)нинг асосий жиҳатлари;

педагогнинг замонавий педагогик технологияларни самарали қўллаганлиги ҳамда уларни машғулот ва мавзу мазмунидан келиб чиқиб тўғри танлаганлиги, кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлик даражаси;

мавзу саволларининг мазмуни ва ҳажми инобатга олиниб, уларни кўриб чиқишга ажратилган вақт тақсимотининг тўғрилиги;

ўқитишнинг замонавий интерфаол методларидан фойдаланилганлиги, машғулот мавзуси ва режасининг ўқув дастурига мослиги ҳамда замонавий педагогик технологияларни танлаш ва қўллаш ҳолати;

ўқувчиларнинг машғулотга тайёрлиги, фаоллиги, ўқув материални ўзлаштирганлиги, креатив, мустақил ва ижодий фикрлаши, назарий билимларини амалий мисолларга боғлаган ҳолда тўғри хулосалар чиқариши даражаси;

ўқувчиларнинг мавзуни ўзлаштирганлиги даражаси, хусусан, уларда билиш, тушуниш, қарор қабул қилиш, таҳлил қилиш ва вазиятни баҳолаш кўникмалари мавжудлиги;

Ўқувчиларнинг берган жавобларини педагог томонидан таҳлил қилиниши, уларнинг хатоларини аниқ асослаб берилиши, шунингдек, машғулотда фаол ва суст қатнашган ўқувчилар билимини объектив ва танқидий баҳоланиши даражаси;

амалий машғулотларда ролли ҳаракатларни мустақил бажариш, ҳаракатлар кетма-кетлигининг тўғрилиги, амалий топшириқларни амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўтказилганлиги;

ўқувчилар билимини муаммоли вазиятлар бўйича кейслар (казуслар) ва амалий мисоллар билан мустаҳкамланиши ҳамда мавзунинг амалиёт билан боғлиқлиги даражаси;

машғулот якунида мустақил тайёргарлик кўриш учун топшириқ берилганлиги.

17. Жисмоний ва жанговар тайёргарлик (жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқ мавзулар) фанлари бўйича ўргатилаётган машқ ва ҳаракатларнинг амалдаги буйруқ, низом (устав) ва йўриқномаларга мослиги, ўқувчиларнинг саф интизоми, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги даражаси, куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш борасидаги амалий кўникмаларига қўшимча эътибор қаратилади.

18. Лаборатория машғулотлари бўйича педагогик назорат ўтказилганда қуйидагилар аниқланади ва таҳлил қилинади:

кафедра (ўқув қисми) микёсидаги машқлар учун кафедра бошлиғи томонидан тасдиқланган режа ва машқлар ўтказиш бўйича методик ишланмаларнинг мавжудлиги;

методик материал (ҳужжатларнинг зарур шакллари мавжудлиги, ўқувчилар учун мавзулар, машғулот мақсади, ўқув саволлари, умумий фабула, кириш ва топшириқ мазмуни кўрсатилган методик ишланма ва шу каби)ларнинг сифати;

ўқувчиларнинг лаборатория машқларига мустақил тайёргарлик кўриш жараёнида педагогнинг методик раҳбарликдаги иштироки;

лаборатория ўтказиш жараёнида педагогнинг иштироки;

лаборатория учун олинган билимлар мажмуидан фойдаланиш қобилияти;

лаборатория воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги;

натижаларни таҳлил қилиш методикаси;

кўзланган мақсадларга эришиш даражаси.

5-боб. Педагогик назорат натижаларини таҳлил қилиш

19. Ўтказилган барча педагогик назорат натижаларини мониторинг ва таҳлил қилиш кафедра бошлиқлари ва академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан ҳар ойда кафедра йиғилишида, ҳар чоракда академик лицей педагогик кенгашида комплекс муҳокама қилинади.

Унинг натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий ютуқларни таълим жараёнига татбиқ этиш юзасидан таъсир чораларини кўриш мажбурияти кафедралар ва академик лицей раҳбариятига юклатилади.

20. Агар педагогнинг ўтказган машғулотни “қониқарсиз” деб топилса, машғулотни ўтказишдан кўзланган мақсадга эришилмаган ҳисобланади ҳамда кафедра ўқув бўлими билан келишган ҳолда навбатдан ташқари яна бир марта педагогик назорат ўтказилиш чораси кўрилади.

21. Иккинчи маротаба ўтказилган педагогик назоратда ҳам педагогнинг ўтказган машғулотни “қониқарсиз” деб топилган тақдирда, бу ҳолат педагогик кенгашида муҳокама

қилиниб, педагогнинг келгусида педагогик фаолият билан шуғулланиш ёки шуғулланмаслик масаласи кўриб чиқилади ва якуний қарор қабул қилиш учун академик лицей директорига асослантирилган таклиф киритилади.

22. Педагогик назорат натижаларига кўра “ижобий” кўрсаткичларга эришган педагогнинг машғулоти ўқув бўлими раҳбарияти иштирокида тегишли кафедраларда муҳокама қилиниб, ушбу педагогнинг машғулотларига ёш педагогларнинг дарсдан бўш вақтларида мунтазам иштирок этишлари тавсия этилади.

23. Педагогик назорат натижалари бўйича “ижобий” кўрсаткичларга эришган педагоглар белгиланган тартибда рағбатлантиришга тавсия этилиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

24. Ушбу йўриқномада белгиланган масалалар юзасидан келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

24. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган.

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва
Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик
лицейида ўқув машғулотларини педагогик
назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-илова

Ўқув машғулотининг сифат даражасини баҳолашнинг НАМУНАВИЙ МЕТОДИКАСИ

1. Ўқув машғулотининг сифат даражасини баҳолаш 25 та кўрсаткич бўйича амалга оширилади. Ўқув машғулотининг сифат даражасини баҳолаш ва таҳлил варақаси қуйидаги тўртта гуруҳлаштирилган бўлимдан иборат:

машғулотни ташкилий таъминлаш;
машғулотни ўтказишдан кўзланган мақсади ва моҳияти;
машғулотни ўтказиш методикаси;
педагогик маҳорат.

2. Машғулотнинг сифат даражаси балл асосида баҳоланади. Машғулотнинг энг юқори сифати 100 баллга тенг деб ҳисобланади. Ҳар бир кўрсаткични баҳолаш 100 баллдан келиб чиқиб, машғулотни ўтказиш сифатини белгилаб берувчи кўрсаткичлар (25)га нисбати олинади ҳамда 0 дан 4 баллгача баҳоланади.

Ҳар бир кўрсаткични дифференциал баҳолаш қуйидагилардан келиб чиқади:

машғулотда кўрсаткичнинг намоён бўлмаслиги	– 0 балл
машғулотда кўрсаткичнинг намоён бўлиши жуда суст	– 1 балл
машғулотда кўрсаткичнинг намоён бўлиши суст	– 2 балл
машғулотда кўрсаткичнинг намоён бўлиши “қониқарли”	– 3 балл
машғулотда кўрсаткичнинг намоён бўлиши “яхши” даражада	– 4 балл.

Барча кўрсаткичлар бўйича олинган баллар бўлимлар бўйича алоҳида умумлаштирилади ҳамда бўлим бўйича ўртача балл олинган йиғиндини бўлимнинг кўрсаткичлари сонига бўлиниши орқали аниқланади.

3. Ўқув машғулоти сифат даражасининг умумий баҳоси 4 та бўлим сонига қўйилган баҳолар йиғиндисини бўлимлар сонига бўлиш билан ҳисобланади ва қуйидагича аниқланади:

“яхши” – агар барча бўлимлар бўйича ўртача балл 3,5 ва ундан юқори бўлса, 2-, 3- ва 4-бўлимлар учун баҳолар 3,5 баллдан кам бўлмаса;

“қониқарли” – агар барча бўлимлар бўйича ўртача балл 2,6 – 3,4 балл бўлса, 2-, 3- ва 4-бўлимлар бўйича баҳолар 2,6 баллдан кам бўлмаса;

“қониқарсиз” – агар барча бўлимлар бўйича ўртача балл 2,5 дан юқори бўлмаса, 2-, 3- ва 4-бўлимлар учун алоҳида баҳолаш 2,5 баллдан паст бўлса.

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва
 Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-
 академик лицейида ўқув машғулотларини
 педагогик назорат қилиш тартиби тўғрисидаги
 йўриқномага
 3-илова

**Ўқув машғулотининг сифат даражасини
 баҳолаш ва таҳлил қилиш
 В А Р А Қ А С И**

Сана _____ босқич _____
 Гуруҳ _____
 Кафедра (ўқув қисми) _____
 Педагог _____
 Фан _____
 Мавзу _____
 (рақами ва номи)
Машғулот шакли _____

т/р	Машғулотни баҳолаш ва таҳлил кўрсаткичлари	Балл
1. Машғулотни ташкилий таъминлаш		
1.1	Машғулот ўтказиш учун аудитория ва техник воситаларнинг шайлиги (бевосита педагогга боғлиқ ҳолатлар бўлса)	
1.2	Ўқувчиларни ўқув-услубий (тарқатма) адабиётлар билан таъминлаш	
1.3	Ўқув саволларини ўрганишда вақтдан унумли фойдаланиш (тайм-менежмент технологияси)	
1.4	Машғулотда ўқувчиларнинг вазифага мос равишда тайёргарлиги	
1.5	Машғулотнинг кириш, асосий ва хулоса қисмларга ажратилиши	
1.6	Машғулотда ўқувчиларнинг интизими	
Ўртача балл		
2. Машғулотни ўтказишдан кўзланган мақсади ва моҳияти		
2.1	Машғулотга ўқув-тарбиявий мақсадларнинг аниқ қўйилиши	
2.2	Машғулотнинг илмий-назарий ва методологик даражаси	
2.3	Фан ва техниканинг охирги ютуқлари машғулотда ёритилиши	
2.4	Мавзунинг амалиёт ва аниқ фактлар билан боғланиши	
2.5	Мавзунинг дастур мавзусига мос келиши	
2.6	Мавзунинг бевосита ва турдош фанлар билан боғланиши	
2.7	Мавзуни ёритишда мантиқий кетма-кетлик ва изчилликнинг мавжудлиги	
Ўртача балл		
3. Машғулотни ўтказиш методикаси		
3.1	Ўқувчиларни машғулот мавзусига қизиқтира олиш даражаси	
3.2	Педагогнинг аудитория диққатини йўналтира олиш даражаси	
3.3	Танланган ўқув-техник воситаларнинг машғулот мақсадига мослиги	
3.4	Тақдимот материаллари (мультимедиа, видеодарс, топшириқ)нинг сифати ва унинг ўқув саволлар мазмуни билан уйғунлиги	
3.5	Фаол ва интерфаол методларни қўллаш қобилияти ва режалаштирилган машғулот мақсадига мослиги	
3.6	Ўқувчилар билиминини объектив ва холисона баҳолаш даражаси	
3.7	Ўқувчиларни ўз устида ишлашга ундовчи вазифа ва топшириқ берилганлиги	

Ўртача балл		
4. Педагогик маҳорати <i>(ўқувчиларни муаммоли вазиятларда ечим топиш, мантиқий, ижодий ва ностандарт фикрлашга жалб этиши)</i>		
4.1	Ўқувчиларнинг ўз фикрини мустақил баён қилишларини рағбатлантириши	
4.2	Муаммоли вазиятларни баҳолаш ва мустақил қарор қабул қилишга ундаши	
4.3	Турли манбалардан ахборот олиш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга ундаши	
4.4	Турли ғоя ва фикрларни солиштиришга ундаши ҳамда муаммоларни ечишнинг турли йўлларини кўрсатиши	
4.5	Янги ғоя ва тушунчаларни реал ҳаётдан олинган мисоллар келтириш орқали тушунтириши	
Ўртача балл		
5. Бошқа камчиликлар ва таклифлар		
6. Машғулотни умумий баҳолаш		“_____” балл

Педагогик назоратни ўтказувчи: _____

(Ф.И.О., лавозими ва имзоси)

